



№ 49/09-ij

2020 yil " 3 " iyun

Учтепа туманида “Yoshlar – kelajagimiz” Давлат дастури
ижроси тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисга Мурожаатномасида ёшлар сиёсати соҳасида белгиланган устувор вазифаларни амалга оширишга қаратилган комплекс чора-тадбирлар Дастури, “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 6 ва 24-моддаларига асосан ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 27 июндаги “Yoshlar – kelajagimiz” Давлат дастури тўғрисида”ги ПФ-5466-сонли Фармони ижросини сифатли таъминлаш мақсадида, халқ депутатлари Учтепа тумани Кенгаши

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Учтепа туман маҳаллий Кенгаши раиси С.Жўраевнинг Учтепа туманида “Yoshlar – kelajagimiz” Давлат дастури ижроси юзасидан амалга оширилган ишлар бўйича ҳисоботи маълумот учун қабул қилинсин.

2. Ёшлар тадбиркорлигини ривожлантириш бўйича Учтепа туман комиссияси аъзолари, туман ҳокимининг ўринбосарлари (А.Хужанов, Ш.Шаакрамов, Л.Алманов, Б.Мирзаев, З.Азимбаева), тумандаги таълуқли бўлим ва бошқармалар:

Учтепа туманида “Yoshlar – kelajagimiz” Давлат дастурида белгиланган устувор вазифаларининг ижроси тўлиқ назоратга олиниб, белгиланган вазифаларнинг ўз вақтида ва сифатли бажарилиши таъминлансин ва бу борада тегишли раҳбар-ҳодимларга шахсий жавобгарлик юклатилсин.

3. Ёшлар тадбиркорлигини ривожлантириш бўйича аъзолари, туман ҳокимларининг ёшлар сиёсати, ижтимоий ривожлантириш ва маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосари- туман комиссияси раиси:

- инвестициявий ва ижтимоий комплекслар ҳудудий органларининг, шунингдек, молиялаштирувчи тижорат банкларининг бириктирилган ходимларини жалб қилган ҳолда ёшларнинг бизнес ташаббуслари, стартаплари, гоя ва лойиҳаларини ишлаб чиқишда, зарур ҳужжатлар ва материалларни тайёрлашда ҳамда расмийлаштиришда кўмаклашиш;

- ёшларнинг бизнес ташаббуслари, стартаплари, гоялари ва лойиҳаларини амалга оширишда кўмаклашиш учун талабномаларини,

шунингдек, Давлат дастури доирасидаги бошқа мурожаатларини “бир дарча” тамойили бўйича кўриб чиқилишини таъминлаш;

- инвестициявий ва ижтимоий комплекслар ҳудудий органларининг, шунингдек, молиялаштирувчи тижорат банкларининг бириктирилган ходимларини жалб қилган ҳолда ёшларнинг бизнес ташаббуслари, стартаплари, ғоялари ва лойиҳаларини амалга ошириш мониторингини ўтказиш, келиб чиққан муаммоларни ҳал қилиш;

тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш ва юритиш масалалари бўйича ёшлар орасида кенг тушунтириш ишларини олиб бориш каби асосий вазифаларнинг белгиланган муддатларда тўлиқ ва сифатли амалга оширилиши доимий назоратга олинсин.

4. Учтепа тумани ҳокимининг ўринбосари - Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлими бошлиғи (З.Азимбаева):

- Учтепа туманида мавжуд 60 та маҳалла фуқаролар йиғинлари раислари билан ҳамкорликда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 27 июндаги “Yoshlar – kelajagimiz” Давлат дастури тўғрисида”ги ПФ-5466-сонли Фармонининг мазмун-моҳияти маҳаллаларда истикомат қилаётган барча ёшларга етказилиши ва имтиёзли кредитлар ажратилиши бўйича “Yoshlar–kelajagimiz” жамғармасининг туман филиалига мурожаат қилиниши таъминлансин.

5. Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Учтепа туман маҳаллий Кенгаши раиси (С.Жўраев), туман бандликка кўмаклашиш маркази (А.Камилов), туман ҳокими ўринбосарлари билан ҳамкорликда:

- Давлат дастури доирасида объектларни қуриш бўйича ҳақ тўланадиган ишларга банд бўлмаган ёшларни, жумладан, Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг ёшлар меҳнат отрядларини ихтиёрий асосда кенг жалб қилиш чораларини кўриш тавсия этилсин.

6. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Халқ депутатлари Учтепа туман Кенгашининг Ижтимоий-маданий соҳани ривожлантириш, оила, хотин-қизлар ва ёшлар, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари билан ҳамкорликда ишлаш масалалари бўйича доимий комиссияси раиси М.Арипова зиммасига юклатилсин.

Халқ депутатлари Учтепа туман
Кенгаши раиси ўринбосари

 С. Имамов



№ 50/09-II

2020 yil " 3 " июнь

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Кўчмас мулкка бўлган
ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш тизимини янада
такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2019 йил 5 апрелдаги
ПҚ-4270-сон қарорининг Учтепа туманидаги ижроси тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонунининг 6 ва 24-моддалари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 29 декабрдаги “Кўчмас мулк объектларига бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш тартибини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 1060-сон қарори ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 5 апрелдаги «Кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-4270-сон қарори ижроси юзасидан Учтепа туман ер-тузиш ва кўчмас мулк кадастр давлат корхонаси туман филиали томонидан олиб борилаётган соҳавий ўзгаришлар натижасида юридик ва жисмоний шахслар учун яратилаётган қулайликлар, шунингдек, кўрсатилаётган хизматларнинг келажакда аҳоли ўртасида ўзаро ҳамкорлик тизимини янада жадаллаштириш борасида олиб борилаётган ишлар ҳамда олдимизда турган вазифалар юзасидан ҳисоботни муҳокама қилиб, халқ депутатлари Учтепа тумани Кенгаши

Қ А Р О Р Қ И Л А Д И:

1. Учтепа туман ер-тузиш ва кўчмас мулк кадастр давлат корхонаси туман филиали бошлиғи Ш.Закировнинг Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2019 йил 5 апрелдаги ПҚ-4270-сон қарорининг Учтепа туманидаги ижроси тўғрисида ҳисоботи маълумот учун қабул қилинсин.

2. туман ер-тузиш ва кўчмас мулк кадастр давлат корхонаси туман филиали бошлиғи (Ш.Закиров), туман Адлия бўлими (О.Нигматов), туман солиқ инспекцияси бўлими (Р.Аширматов), туман ҳокими ўринбосарлари ҳамда барча коммунал хизмат кўрсатиш ташкилотлари билан биргаликда:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 5 апрелдаги «Кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-4270-сон қарори ижросини тўлиқ таъминлаш ишларни ташкиллаштирилсин.

Кўчмас мулкнинг янги эгалари тўғрисидаги маълумотлар уларга бўлган ҳуқуқлар давлат рўйхатидан ўтказилганидан кейин тегишлича давлат нотариал идоралари ва давлат рўйхатидан ўтказишни амалга оширувчи органлар томонидан коммунал хизматларнинг ахборот тизимларига автоматик тарзда юборишни йўлга қўйиш. Бунда коммунал хизматлар кўчмас мулкнинг янги эгаларидан кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқни тасдиқловчи ҳужжатларни талаб қилишга ҳақли эмаслиги белгиланган инobatга олинсин.

3. Туман Адлия бўлими (О.Нигматов), туман Давлат хизматлари маркази (М.Мирсағатов) :

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 28 январдаги **63-сонли** ҳамда 2019 йил 20 декабрдаги **1023-сонли қарорлари билан тасдиқланган** Низом талабларига сўзсиз риоя этилиши бўйича тизимли назорат ва мониторинг ишларини амалга оширсин.

Тизимли назорат ва мониторинг ер участкаси материалларини тайёрлаш жараёнига аралашмасдан, «YERELEKTRON» ААТ орқали амалга оширилсин.

4. Ушбу қарорни ижроси Халқ депутатлари Учтепа тумани Кенгашининг Саноат, транспорт, қурилиш, алоқа ва аҳолига хизматлар кўрсатиш масалалари бўйича доимий комиссия зиммасига юклатилсин.

Халқ депутатлари Учтепа
туман Кенгаши раиси ўринбосари



С.Имамов



№ 51/09 - II

2020 yil " 3 " июль

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 18 майдаги
“Маиший чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш
tizimini янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида олиб
борилаётган ишлар тўғрисида”ги ПҚ-3730-сон қарори ҳамда 2018 йил
22 ноябрдаги “Қаттиқ маиший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиш
учун тўловларни тўлаш тизimini тубдан такомиллаштириш чора-
тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5580-сон Фармонининг Учтепа
туманидаги ижроси ҳақида**

Ўзбекистон Республикаси “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонунининг 6 ва 24-моддаларига асосан ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 18 майдаги “Маиший чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш тизimini янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3730-сон қарори ҳамда 2018 йил 22 ноябрдаги “Қаттиқ маиший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиш учун тўловларни тўлаш тизimini тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5580-сон Фармонининг Учтепа туманидаги ижроси бўйича олиб борилаётган ишлар ҳақидаги ахборотини тинглаб, халқ депутатлари Учтепа туман Кенгаши,

Қ А Р О Р Қ И Л А Д И:

1. Туман “Махсустранс” автотранспорти филиали раҳбари Ф. Мухитдинов “Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 18 майдаги “Маиший чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш тизimini янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида олиб борилаётган ишлар тўғрисида”ги ПҚ-3730-сон қарори ҳамда 2018 йил 22 ноябрдаги “Қаттиқ маиший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиш учун тўловларни тўлаш тизimini тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5580-сон Фармонининг Учтепа туманидаги ижроси ҳақида”ги ҳисоботи маълумот учун қабул қилинсин.

2. Туман ҳокимининг биринчи ўринбосари (А.Хужанов), туман “Махсустранс” автотранспорти филиали раҳбари (Ф. Мухитдинов) ҳамда туман ҳокими ўринбосарларига (Л.Алманов, З.Азимбаева, Ш.Шаакрамов, О.Камилов)га:


- маиший чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш тизимини янада ривожлантириш, аҳолининг сифатли санитария жиҳатидан тозалаш хизматлари билан таъминланганлиги даражасини ошириш, шунингдек, экологик муаммоларни ҳал этишдаги мавжуд имкониятларни ишга солиш юзасидан таклифлар ишлаб чиқиш;

- тадбиркорлик субъектларининг чиқиндиларни йиғиш, ташиш, утилизация қилиш, қайта ишлаш, қўмиш ва реализация қилиш жараёнларидаги иштирокини янада кенгайтиришни назарда тутувчи қўшимча чора-тадбирларни белгилаш;

- мазкур масалаларни ҳар бир маҳаллалар кесимида атрофлича таҳлил этиш ва муҳокама қилиш ҳамда иш самарадорлигини ошириш юзасидан тегишли чора-тадбирларни белгиласин.

3. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Халқ депутатлари Учтепа тумани Кенгашининг Коммунал хўжалик ва экология масалалари бўйича доимий комиссияси (М.Азизов) ва Туман ҳокимининг ўринбосари (Л.Алманов) зиммасига юклатилсин.

Халқ депутатлари Учтепа туман
Кенгаши раиси ўринбосари



С. Имамов